

УЙҒОНИШ, НАФОСАТ, МЕҲР-ОҚИБАТ АЙЁМИ

замонавий меъморчилик аъёнлари асосида қад роллаган гўзал бинолари, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кўрқ тароватли қиёфаси кўз ўнгимизда гавдаланади. Анвойи гуллар кўзларни қувнатади. Булбуллар хониши руҳларга куч-қудрат ато этади гўё.



Халқимиз азалдан тўй ва шодибаналарни алоҳида тарадуд билан қарши олади. Президентимиз Исло Каримовнинг 2007 йил 23 февралда қабул қилинган "Наврўз умумхалқ байрамини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори боқий байрамимизни муносиб кутиб олиш ва нишонлашга пухта замин яратди. Қарорга асосан юртимизда март ойи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги деб эълон қилинди. Мамлакатимизда умумхалқ хашари ташкил этилди. Унда маҳаллалар, кўчалар, аҳоли тураржойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда тибаруқ қадимжолар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дараклар, гул кўчалари ўтказилди, даракларга шакл берилиб, оқланди. Хашардан тушган маблағ меҳр-муруват тадбирларини бажаришга, кўмакка муҳтож инсонлар ва оилаларга моддий-маънавий ёрдам кўрсатишга йўналтирилди...

Карнай-сурнай ва ногоралар садоси элу юртни Наврўз сайлига қорлайди. Гўё уларнинг садоси она заминни қиш уйқусидан уйғотиб, борлиққа баҳор сеп ёйганидан дарак беради. Ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, лолакизгалдоқдан алвонлашган чўл-биёбонлар кўз олдимизга гавдаланади. Бойнечагу бинафша бўйлаги димокчи қитиклайди, ориқиб кутганимиз — баҳор хавосини синқориб тўймаймиз...

Бу йил Наврўз мамлакатимизга эзгу ва хайрли юмушларни бошлаб келадигани билан ҳам ўзгача қадрият билан қаролади. Зеро, Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган йилда жамиятимизда, кишиларимиз ўртада халқимизга хос фазилатлардан бўлган ўзаро меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат сингари инсоний аъмоллар янада ривож топмоқда. Бу борада давлатимизнинг махсус дастури қабул қилинди.

Аждодларимиз азалдан байрамда етим-есир, бевабечора, хаста ва муҳтож, қисқа қилиб айтганда, ижтимоий ҳимояга — бир оғиз ширин сўз ва амалий кўмакка муҳтож кишиларга меҳр-муруват, саховат кўрсатишни ўзининг шарафли бурчи, деб билган. Бундай файзиб кўнларда жамики гинакудурлар орадан кўтарилиб, ўзаро самимият, оқибат, ҳамият ва меҳр-муҳаббат ришталари мустаҳкам болганган...

Бугун юртимизда мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланди. Инсон, унинг ҳаёти, орзу-ниятлари, дарду ташвишлари давлатимиз раҳбарининг доимий диққат-эътиборида. "Ўзбек модели" деган ном билан дунёда тан олинган мамлакатимиз мустақил тараққиёт йўлининг негизига да беш тамойилдан бири — айнан кучли ижтимоий сийбасати олиб бориш масаласи туриши ҳам ана шундан.

2007 йилнинг давлат бюджетига аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича ажратилган маблағлар микдори ошди. Бюджетнинг социал соҳа ва аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлашга қаратилган умумий ҳаражатлари ўтган йилда 51 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда 54,1 фоизга етди. Бу борадаги амалий ишлар жамиятимизда ўзаро қадр-қиммат, меҳр-оқибат туйғусини, энг катта бойлигимиз бўлиши тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашга, ҳаётимизни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда.

Юртимиз азалдан инсоният тамаддуни, жумладан ислом дини маданияти бешикларидан бири сифатида машҳур. Буюк аждодларимизнинг илм-фан ва маданиятини кўллаб соҳалари тараққиётига қўшган бебаҳо хиссасини дунё ахли кенг эътироф этган. Мамлакатимизда аждодларимиз қолдирган бой маданий меросни тиклаш ва янада ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Буюк алло-

ма ва азиз авлиёларимиз муқаддас қадамжоларини таъмирлаш ва ободонлаштириш, уларнинг бой илмий-маданий меросини чуқур ўрганиш, аниққиса, ёшларимиз онгига синдириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан 2007 йилда Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши мамлакатимизда ислом маданиятини, маънавий қадриятларини тиклаш ва асраб-авайлашга қаратилган хайрли ишларнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди. Президентимиз Исло Каримов "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларида бу воқеага "Ўзбек халқининг ислом маданияти ривожига қўшган беқиёс ҳиссасининг юксак эътирофи" деб таъриф берди.

Мамлакатимиз Президент Исло Каримовнинг "Ҳазрати Имом (Ҳасимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги қарорига ушбу меъморий мажмуанинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, у ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини хар томонлама ривожлантириш вазифаси белгилаб берилди.

Халқимиз доим Наврўзни ўзгача бир соғинч, интиқлик ва илҳақлик билан қарши олади. Ешу қари кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайилгоҳларга, дашту далаларга, қир-адирларга чиқади. Сайил қизийди: ҳофизу хонандалар хониш қилади, бахшилар дўмбира чертади, терма ва лапарлар янграйди, аскиячи ва қизилқиларнинг ичкакуди латиғуо пайровлари кўнгилларга шодлик улашади. Кишилар дорбозу морбоз, масҳарабозу кўғирчоқбозлар баҳси, улук-қўпкари, поёга, кураш, мерганлик томошаларидан завқланадилар. Дастурхонларни баҳорий таомлар беэаиди, дошқозонларда сумалак қайнайди...

Юртимизда буюк боболаримиз асрлар давомида яратган беқиёс маънавий ва маърифий меросимизни, миллий қадриятларимизни янада бойитиш ва уларни умуминсоний қадриятлар билан ўйун ҳолда ривожлантириш, халқимизни, аниққиса, ёш авлодини ана шу руҳда тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тинчлик-осойишталик ҳукм сурган юртга хурсандчилик, тўй-томоша ярашади. Жорий йилда юртимизда ер юзининг сайқали бўлиши Самарқанд шаҳрининг 2750 ва Марғилоннинг 2000 йиллик юбилейлари кенг нишонланади. Самарқанд шаҳри дунё мусиқа ихлосмандларини "Шаҳр тароналари"га қорлайди.

Ранг-баранг ашула ва ракс, маком ансамбллари, эстрада-симфоник оркестри, хор жамоалари, театрлар, турли бадий жамоаларнинг чиқишлари, майдон сахнида уюштирилётган халқ ўйинлари, қўйланётган қўшиқ, лапар ва ижро этилаётган рақсларда қадимий байрамимизнинг ноёб қирралари ўз аксини топади. Диримизда ягона оила фарзандларидек аҳил ва иноқлик-

да яшаётган барча миллат ва элат вакилларининг бадий ижролари қалбларни фаҳрга тўлдиради. Буларда Наврўзнинг кишиларни бирлаштирувчи, дилларни дилларга боғловчи ҳаётбахш кучи янада яққол, баралла намоён бўлади.

Наврўз биз учун бунёдкорлик ва яратувчилик байрами сифатида ҳам қадриятлидир. Бу айём арафасида шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилган янги иншоотлар, қорхона ва ўқув муассасаларини фойдаланишга топшириш хайрли аниёнага айланади. Юртимизда шу кўнларда янги қўша қорхоналар, ишлаб чиқариш объектлари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари, маданият ва хизмат кўрсатиш иншоотлари фойдаланишга топширилмоқда. Бундай сай-ҳаракатлар моҳиятида юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, фаровон ва тўкин ҳаётни таъминлашга интилишдек эзгу ниятлар мужассам...

Саҳна томошалари қизигандан-қизийди. Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш санъаткорларнинг она юртни, истиқлолни, Наврўзни, баҳор ва муҳаббатни мадҳ этган чиқишлари қалбларни тўлқинлантиради. Мусиқий оҳанглар, дилтортар рақслар, фусункор саҳна манзаралари кишига завқ-шавақ бағишлайди.

Кун билан тун тенглашадиган Наврўзга азалдан аждодларимиз ризқ-насиба, нажот ва баракот фурсати сифатида қараган. Баҳорий юмушлар ана шу кундан бошланган, деҳқон далага қўш чиқариб, барака уруғи сочган. Асрий аъёнларимизга кўра айни кўнларда деҳқонларимиз дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, деган ниётда ерга уруғ қадамоқдалар.

Ҳамжихатлик, ташаббускорлик ва ҳалол меҳнат улугланган юртда барака бўлади. Бунинг йилда мамлакатимизда иқтисодий ўсишининг барқарор суръатлари таъминлангани — ялли ички маҳсулот 7,3 фоизга кўпайганида ҳам кўриш мумкин. Юртимизда инвестиция муҳити яхшиланиши натижасида хорижий инвестициялар ҳажми 25,4 фоизга ортди. Қишлоқ хўжалигида чуқур ўзгаришлар рўй бермоқда. Ўтган йили 666 ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш ҳисобига 74 мингдан ортиқ янги фермер хўжалиги иш бошлади. Қишлоқда меҳнат кооперациясининг янги шакллари жорий этилди, мева-сабзавот маҳсулотлари ва узум етиштиришга ҳамда уларни қайта ишлашга ихтисослашган қарийб 200 агрофирма юзага келди.

Мамлакатимизда аҳоли турмуш даражасини ошириш ва янги иш жойлар очиб борасида изчил ўсиш кўзга ташланмоқда. Ўтган йили бевосита меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг реал иш ҳақи 36 фоизга ортган бўлса, аҳолининг реал даромадлари ўртача 22 фоизга кўпайди. Иқтисодий таркибий ўзгариш ва модернизация қилиш, унинг энг муҳим тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, солиқ сийбасатини янада эркинлаштириш борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Давлатнинг иқтисодийдаги

иштирокини изчил пасайтириб бориш, хусусий бизнес учун қўлай шароит яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлашни ва аҳоли турмуш даражасини изчил оширишни таъминлаш устувор вазифалардан бўлиб қолаверади. Бундай ҳаётбахш сай-ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятида, аввало, халқимиз фаровонлиги, юртимиз раванглигини таъминлаш, мамлакатимизнинг жаҳон майдонидagi омура-этиборини янада юксалтиришдек хайрли ниятлар жамулжамдир...

Саҳнага ширин-шакар болакайлар кириб келади. Юзларида самимият ва беғуборлик балқиган кичкинтойларнинг шўх-шодон кулгилари, жарангдор куй-кўшиқлари, жозибадор рақслари байрам аҳлини завқлантириб юборади.

Мамлакатимизда фарзандлар таълим-тарбияси, соғлиғи доимий эътиборда. Таълим, кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги мақсадли умуммиллий дастурларни амалга ошириш борасида кўплаб ютуқлар кўлга киритилди. Ҳаётимиз гуллари бўлган хотин-қизларимизнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган амалий ишлар ўз самарасини бермоқда. Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислох қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада эркинлаштириш борасидаги ислохотлар давом эттирилмоқда. Юртимиздаги ҳаётбахш ўзгариш ва янгиликларни ҳаётимизнинг барча жабҳаларида, одамларимизнинг қалби, онгу шуурига акс этаётган меҳр-оқибат, муруват, бағрикенглик каби инсоний фазилатлар, юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончи тўла тасдиқлайди.

Байрамда ўзбек миллий кураш мактабининг аъёнларини маҳорат билан давом эттираётган янги авлод вакиллари, спорт намоёндалари, цирк усталари, Ўзбекистон байроғини халқаро майдонларда баланд кўтарган спортчиларимиз, мамлакатимиз сарҳадлари посбонлари — ҳарбийларимиз ҳозир бўлади.

Ўзбекистон — полвонлар юрти. Истиклол туғайли ўзбекининг кураши дунёни забт этмоқда. Бугун дунёнинг барча қишлоқларида ўзбекча ятак кийиб, ўзбекча "таъзим", "халол", "чала", "ёнбош" каби ибораларга риоя этиб кураш тўшаётганлар бисёр. Спортчи йилит-қизларимизнинг донги қишлоқлараро ёйилмоқда, уларнинг ғалабаси шарафига юртимиз мадҳияси янграб, байроғимиз баланд кўтарилмоқда. Президентимиз Исло Каримов ташаббуси билан ташкил этилган уч босқичли улусқис спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Барқамол авлод", Универсиада оммавий спорт ўйинлари ҳамда болалар спортини ривожлантириш борасидаги сай-ҳаракатлар туғайли мингмиглаб спортчилар етишиб чиқмоқда. Муҳими, руҳи тетик, илғи тўқ, билаго бақувват авлод вояга етмоқда. Мардондор ғалабалари билан юртимиз шухратини овоза қилган спортчиларимиз, шеркелбат ҳарбийларимиз — Осиё-юрт ҳимоячилари билан фахрланамиз.

Дилбар куй-қўшиқ ва рақсларга мушаққоблик уланиб кетади... Миллий бог ўйлақлари бўйлаб жой олган турли қандолат, ноз-неъматлар, миллий хунармандлик маҳсулотлари расталарида ҳаёт қайнайди. Қўли ширин пандалар дошқозонлардан ҳовури таралиб турган сумалак, халим, палов сингари турфа таомлар билан сайил иштирокчиларини сийлайдилар.

Президент Исло Каримов ярмаркага қўйилган хунармандлик маҳсулотлари билан танишди... Юртимизда, унинг узоқ-якин шаҳар ва қишлоқларида, барча гўшаларда Наврўз сайли, шодибаналар давом этмоқда. Озод ва обод юртимизга хуш келдиган, уйғониш, яшариш, янгиликни ва меҳр-оқибат айём! Қадимий байрамимиз — Наврўзи олам муборак бўлсин, Ўзбекистоним!

Норали ОЧИЛОВ, ЎЗА шарҳловчиси, Абдувоҳид ТУРАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

Яқинда хизмат юзасидан Бўка тўман прокуратурасида бўлди. Болаларнинг қўшни ҳовлидан эшитилаётган шўх кулгуси-ю кийкириқлари эътиборимизни тортди. Ҳамроҳимиз, тўман прокурори Дилшод Исроиловга савол назари билан қарадик.

УЛАР ЁЛҒИЗ ЭМАСЛАР

— Бу вилоятдаги иккита меҳрибонлик уйининг биттаси, — деди прокурор. — 2005 йилда янги ишга келганимда бу ерда бугунгидек қайноқ ҳаёт эмас, аксинча ноҳуш сокинлик қалбимни ўртаганди. Шу боис ишни меҳрибонлик уйи фаолиятини ўрганишдан бошлаганман десам хато қилмайман. Чунки, уша пайтда бу ердаги муҳит яхши эмасди.

Текширишлар давомида муассаса раҳбарларининг кўнгил ишлари маълум бўлиб қолди... Кейин янги раҳбар билан бу ерга қайноқ ҳаёт олиб кириш учун нималар қилиш зарурлигини келишиб олдик. Мана, қўриб турганингиздек, мақсадимизга етдик.

Дарҳақиқат, 15-меҳрибонлик уйидаги шарт-шароит ва имкониятларни кўриб, тарбиячи ва тарбияланувчилар билан суҳбатлашганимизда муҳит тубдан янгилашганлигига гувоҳ бўлдик. Ўтган бир йил ичида муассасада прокуратура кўмаги билан спорт зали жиҳозланди. Баскетбол ва футбол бўйича малакали мураббийлар жалб этилди.

Тумандаги қатор ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда тарбияланувчиларга спорт кийимлари соғва қилинди. Шу зайдда меҳрибонлик уйида спорт секин-аста жонлана бошлади. Бу орада Олмалик кон металлургия комбинати хомийлиги билан очик спорт майдони бунёд этилди. Шу ернинг ўзида кийиниш, чуқурилиш хоналари ҳам қўрилди. Бунинг учун эса қарийб 110 миллион сўм маблағ сарфланди.

— Муассасамизда ичимлик сув муаммоси бор эди, — дейди меҳрибонлик уйи раҳбари Ҳабибулло Ҳожимуродов. — Тўман прокуратураси бунга ҳам беэтибор бўлмади. Қувурлар тортиқ, сув келтирилди. Шундан кейин муассаса ҳовлиси яшилликка буркана бошлади. Турли даракт қўчалари, кўп йиллик гуллар экилди. Ён-атрофга файз кирди. Прокуратура тарбияланувчиларга DVD мосламаси, кичик кинотеатр ҳамда рақамли фото ва видео камералар соғва қилди. Бундан ташқари прокуратура кўмагида меҳрибонлик уйи

қошида ёрдамчи ҳўжалик ташкил этдик. Ҳозир кичик ҳўжаликда мол туғйи ўн бошдан ошди. Келгусида тарбияланувчилар учун шу ернинг ўзида сут ва гўшт етиштириш режалаштирилган. Ўтган йилнинг ноябрь ойида жаҳонга машҳур "Бонинг" авиакомпанияси «Сен ёлғиз эмасан» жамғармаси орқали меҳрибонлик уйига 13 та компьютер, сканер ҳамда нусха кўчириш мосламаларидан иборат жамлангани хадя этди. Ҳозир болалар 20 дан ортиқ тўғрақлар қатори компьютер курсида ҳам замонавий технологиялар сирларини ўрганишмоқда.

— Қўриб турганингиздек муассасамизда ҳеч нарсадан камчилигимиз йўқ, — деди Ҳабибулло Ҳожимуродов. — Қўли очик, савобталаб хомийлардан миннатдоримиз. Тарбиячиларимиз, ўқитувчиларимиз эса болаларга ота-оналари бағридан йирок экинликларини сездирмасликка ҳаракат қилишмоқда.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.

БАҲОРГА АТАЛГАН ҚЎШИҚЛАР

Пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Ўзбекистон халқ артисти Муассар Раззоқовнинг хайри концерти бўлиб ўтди.

Мақкур тадбир Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бастакорлар уюшмаси, Ўзбекистон Давлат консерваторияси билан ҳамкорликда ташкил этилди. "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастури доирасида ўтказилган ушбу хайрия концертига диний маърифат ва маънавий ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, турли соҳаларда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган табаррук онахонлар, кам таъминланган, серфарзанд оилалар вакиллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга моддий ёрдам бериш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш боробарида, кишиларга маънавий кўмак кўрсатишга, жамиятимизда саховат, эзгулик ва меҳр-муруват муҳитини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Бунда турли ижтимоий лойиҳалар, хайри тадбирлари ўзига хос ўрин тутди. Айниқса, янгиликлар ва яшариш айёми — Наврўз байрами кўнлари ана шундай хайрли тадбирлар қўлами янада кенгайиб эътиборга моликдир.

ЎЗА.

САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ Чирчиқ шаҳар «АХБОРОТ МАСЛАҲАТ МАРКАЗИ» унитар корхонаси

Юртимиз фуқаролари, меҳмонлари ҳамда ўз мижозларини баҳор байрами —

Наврўзи олами

билан самимий муборакбод этади!

Хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, дастурхонингизга тўкинлик, оилангизга фаровонлик тилайди. Қалбингизда доимо эзгу туйғулар, шодлигу қувонч мужассам бўлсин!

Бу йилги Наврўз ҳар биримизга омад, эзгулик ва бахт келтирсин.

Манзилимиз: 702100, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, А. Темуралиев кўчаси, 1-уй. Телефон: 8-370-71-6-60-48.

Зангиота туманидаги «НУР» очик турағи акционерлик жамияти

барча ватандошларимизни ёшлик ва яшариш, гўзаллик фасли ҳамда

Наврўз айёми билан самимий куталайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, хонадонларимиз осойишта бўлсин.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЁШЛАР НИГОҲИДА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгашида Наврўз умумхалқ байрамини тантанали нишонлаш аъёнага айланган. Бу йил ҳам байрам арафасида вилоят бўлими «Миллий қадриятлар ёшлар нигоҳида» кўрик-танловини ўтказди. У Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, миллий қадриятларимиз, аъёна ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, байналминал маданият ва миллатлараро баҳамжihatликни эъозлаш, ёшларда юртга садоқат туйғуларини шакллантириш мақсадида ташкил этилди. Тадбирга вилоят ҳокимлиги, ҳаракатнинг Марказий Кенгаши, вилоят ўрта махсус касб-хунар ҳамда халқ таълими бошқармалари,

мутасадди ташкилот ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари таклиф этилди. Танловда вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидан келган истеъодли фаол йигит-қизлар ўз иқтидорларини намойиш этишди. Жамоалар турли халқларнинг миллий либосларини кўрсатиб, шу халққа оид маълумотлар, тарихий манбалар ҳақида ташунча беришди. Вилоятлар урф-одатлари акс этган театрлаштирилган сахна кўринишлари ижро этилди. Шунингдек, иштирокчиларнинг байрамо-на дастурхонлар безаб, миллий таомларни тайёрлаш қобилиятлари ҳам синовдан ўтказилди. Танловнинг якуний натижаларига кўра Бўстонлик туманининг «Гулгунчалар» жамоаси биринчи ўрин-

га лойиқ деб топилди. Оҳангарон шаҳрининг «Каравай» ҳамда Ангрэн шаҳрининг «Чотқол зиёкори» жамоалари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни қўлга киритишди.

Тадбир давомида Наврўз байрами дастурхонининг кўрки — сумалак тортилди. «Сумалак сайли»да фаол иштирок этганлиги учун ҳаракатнинг Бекобод тумани кенгаши раиси Назармат Бургутбоев ҳамда Чиноз тумани «Камалак» болалар ташкилоти раиси Алишер Умаров махсус фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

Кўрик-танловдан олган таассуротлари, фикр-мулоҳазалари билан кизиқиб, тадбир иштирокчиларини сўхбатга тутдик.

Ольга ЧЕН,
Куйичирчик тумани
вакили:

— Туманимизда «Мок-нак» деб номланувчи корейс миллий ансамбли фаолият юритмоқда. Мен 6 йилдан буён шу ансамблнинг аъзоси сифатида Наврўз байрами ва бошқа тантаналарда иштирок этаман. Ўтган вақт ичида корейс халқининг қадимий урф-одатларини, умрбоқий рақс ва ашулаларини, кийиниш маданиятини чуқурроқ ўргандим. Ансамбль ишини тумандошларим, айниқса, ёшлар орасида кенг тарғиб қилишда «Камолот»нинг ўрни бўлакча.



Шухрат КҮЧҚОРОВ,
«Камолот» ЁИХ вилоят
бўлими кенгаши раиси:

— Бугунги танлов ўғил-қизларимизни шу заминда, аниқроғи Тошкент вилоятида яшаётганларидан фахрланиш туйғусининг янада жўш уришига хизмат қилиши табиий. Улар кўзидаги шижоатни кўриб, юракларидеги оташни сезиб, Ўзбекистоннинг ҳақиқий келажаги шулар эканлигига яна бир бор амин бўлиб турибман. Фурсатдан фойдаланиб, ўз номидан, қолаверса, «Камолот»чилар номидан вилоятимиз ёшларини Наврўз айёми билан чин юракдан муборакбод этаман. Уларни ҳеч қачон байрамо-на кайфият, баҳорий хушнудлик тарқатмасин.


«Камолот»
ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши
Наврўз айёми
билан вилоятимиз ёшларини муборакбод этади.
Сизларни ёшлик завқи ва ҳайрати,
шижоат, куч-ғайрат ҳеч қачон тарқатмасин!
Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари
бўлишдек шарафга интилиш — ҳаётингиз
мазмунига айланиб борсин!



Гулина БЕКПУЛАТОВА,
Юкориичирчик
туманидан:

— Мен 5-умумтаълим мактабининг 6-синфида ўқиш билан бирга «Камолот» ҳаётида фаол иштирок этаёман. Ҳаракат бизга берилган имкониятлардан унумли фойдаланишни, жамиятда керакли инсон бўлиб яшашни, ота-онани эъозлашни, ҳаётнинг қадрига етишни ўргатади. Биз ёшлар унга қанчалик суянсақ, ўз орзуларимизга шунчалик тез етишамиз.

Евгений ЦОЙ,
Бекобод шаҳридан:
— Эгнимдаги чакмонни, бошимдаги дўппини ҳамда кўлимдаги мана бу бўрсилдоқ ширмой нонларни кўриб, ҳайрон бўлаяписизми? Ҳа, улар менга жуда ярашган, шундай эмасми? Мен корейсман, лекин киндик қоним Ўзбекистон тупроғига тўкилган. Шу юртда униб-ўса-яяман, камолга етаяман. Ўзбек ва корейс тарбиясини олаёман. Тилим ўзбекчада чикмаган бўлса-да, ҳозир бу тилда бийрон-бийрон сўзлай оламан. Шундан бўлса керак, эгнимга миллий кийим жуда ярашган. Мен шу юртнинг ўғли эканлигимдан фахрланаман. Бу туйғуга губор туширмаслик — менинг мақсадим.



Майрамой РУСТАМОВА,
Бекобод туманидан:

— Ҳақиқатан ҳам Наврўзи олам муносиб кутиб олинапти. Бу тадбирда жамоамиз билан тожик маданиятини, урф-одатини, санъатини кўрсатишга ҳаракат қилдик. Бу миллатнинг пазандачилиги санъати бошқаларникидан қолишмайди. Бугун ўз қўлларим билан гилминди, қозон сомса ва қатламали сомсаларни пишириб келдим.

Тадбир иштирокчиларини ва тенгдошларимни қузата туриб, улар ўзга миллат ва элатлар урф-одатларини ҳурмат қилишларини сездим.



Остап БУЦКИЙ,
Оҳангарон
шаҳридаги
4-мактабининг
7-синф ўқувчиси:

— Рус миллатининг бой қадриятлари ва урф-одатлари бор. Бугунги танловда шу халқ аъёналарини намойиш этишга ҳаракат қилдик. Дастурхонга рус миллий таомларини тортидик. Кийимларимиз ҳам шунга яраша. Лекин дастурхон қанчалик кўркам безалмасин, ўзбекона меҳмоннавозлик бўлмаса, нимадир етишмай туради. Бугунги танловда ҳам юқори ўринларни эгаллаш учун ҳаракат қилдик, ҳам ўзбекона лутф, ўзбекларга хос бўлган меҳмондўстликни ўргандик.



«ВИЛОЯТЪОЗОРСАВДО»

бирлашмаси

Ўзбекистон халқини ҳамда вилоятимиз аҳолисини янгилашни ва яшаришдан дарак берувчи

Наврўз байрами

билан табриклайди.

Ушбу қутлуғ айём юртимизга қут-барака, тўкин-сочинлик бахш этсин.

Республикамизнинг ҳар бир гўшасида кўзни қамаштирувчи иншоотлар йил сайин кўпаяверсин.

Тошкент туманидаги «КОНКОРДТРАНССЕРВИС» хусусий корхонаси жамоаси

«Тошвилтранс» ҳудудий уюшмаси аъзолари ҳамда мамлакатимиз аҳолисини азалий ва саодатли айём — Наврўзи олам билан қизгин муборакбод этиб, кўнгилларга шодлик, хонадонларга хотиржамлик ва қут-барака тилайди.

Байрамингиз муборак бўлсин, азизлар!



Муҳтарам юртдошлар!
Сизларни Мудофаага кўмаклашувчи

«ВАТАНПАРВАР»

ташкilotи порлоқ режаларга қанот бағишлайдиган қутлуғ байрам

Наврўз айёми

билан қизгин қутлайди.

Мустақил диёримиз осмони ҳамиша мусаффо, она-заминимиз обод, кўркам, хонадонларимиз тинч ва хотиржам, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДА ҚУРИЛИШДА ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ВА НАРХЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ ЖАМОАСИ

*бунёдкор халқимизни
янгилашни айёми бўлмиш*

Наврўз байрами

билан самимий қутлайди.

Истиқлол йиллари юртимиз ҳудуди, узоқ-яқин шаҳар ва қишлоқларимиз улкан қурилиш майдонига айланди.

Қад ростлаган, тикланаётган кўркам бино ҳамда муҳташам иншоотлар, давлатимиз қудрати ва салоҳиятидан сўзлаб турибди.

*Азизлар! Эришаётган ютуқларимиз,
муваффақиятларимиз бунданда юксалаверсин.*

*Бунёдкорлик, яратувчилик
фаолияти равнақ топаверсин!*

Гўзал айём барчангизга омад ва бахт келтирсин.

Қадрли юртдошлар!

**Ўзбекистон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари
ашлаб чиқарувчи ўрик, кўп тармоқли**



«ASIA AGRO ALLIANCE» қўшма корхонаси

Сиз азизларни баҳор айёми –

Наврўзи олам

билан чин юракдан муборакбод этади!

Оилангизга сиҳат-саломатлик,


бахт-саодат, тинчлик-хотиржамлик,

ишларингизда омад ёр бўлишини тилайди.

Яшариш ва яшнатиш фасли бўлган

баҳор сизларга эзгуликлар олиб келсин.





АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! «Ўзсаноатқурилишбанк»

Тошкент вилоят минтақавий филиали

Сизни улуғ ва қувончли

НАВРЎЗ

шодиёнаси билан самимий табриклайди ва даромадларингизни ошириш мақсадида

«АЖОЙИБ» номли омонат туридан фойдаланишни таклиф этади.

Маълумот учун қуйидаги манзиллар бўйича мурожаат этишингиз мумкин:



Амалиёт бўлими:
Тошкент шаҳри,
Абай кўчаси 10 а-уй.
Тел: 144-55-05.



Қибрай филиали:
Қибрай шаҳри,
Зебинисо кўчаси.
Тел: 369-29-52.



Янгийўл филиали:
Янгийўл шаҳри,
Охунбобоев кўчаси, 8-уй.
Тел: 8-370-60-211-51.



Чирчиқ филиали:
Чирчиқ шаҳри,
А. Навоий кўчаси, 66-уй.
Тел: 8-370-71-66-186.



Ангрен филиали:
Ангрен шаҳри,
5/1а даҳа, 3-уй.
Тел: 8-370-66-217-90.



Ғазалкент филиали:
Ғазалкент шаҳри,
Беруний кўчаси, 24-уй.
Тел: 8-370-74-20-289.

Наврўз хонадонингизга қут-барака келтирсин, азизлар!

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЎШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИНИ

НАВРЎЗ АЙЁМИ

БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАҚБОД ЭТАДИ.

Бошқарма тасарруфида фаолият юритаётган шифобахш, табиий иқлимга, маъданли сувларга ва барча даволаш имкониятларига эга бўлган санаторий ҳамда курорт муассасаларида даволаниш ва дам олишга Сизларни чорлаймиз.

Тошкент шаҳридаги

"ТУРОН" ОАЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

"ЧИНОБОД" ОАЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: ҳазм аъзолари, канд (диабет) ва гинекологик касалликлар.

Тошкент вилоятидаги

"БОТАНИКА" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб (марказий ва периферик) тизими ва ҳазм аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

"БЎСТОН" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб, гинекологик ва андрологик касалликлар.

"УМИД ГУЛШАНИ" МЧЖ САНАТОРИЙСИ

Даволаниш учун кўрсатма: гинекологик, андрологик, ҳаракат-таянч ва асаб тизими касалликлари.

"ОҚТОШ" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: нафас аъзоларининг силга алоқадор бўлмаган касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Андижон вилоятида:

"МАРҲАМАТ" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб ва сурункали тери касалликлари.

Бухоро шаҳрида:

"СИТОРАИ МОҲИ ХОССА" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: буйрак касал-

ликлари (ёз фаслида), ҳаракат ва асаб тизими, ҳазм аъзолари ва андрологик касалликлар.

Жиззах вилоятида:

"ЗОМИН" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: нафас аъзолари (сил касалликларидан ташқари) ва асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Қашқадарё вилоятида:

"ҚАШҚАДАРЁ СОҲИЛИ" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: юрак, асаб тизими, ҳаракат ва ҳазм аъзолари, гинекологик ва андрологик касалликлар.

"МИРОҚИ" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: асаб (марказий ва периферик) тизими ва қон айланиш аъзолари касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Наманган вилоятида:

"ЧОРТОҚ" ОАЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: қон айланиши, ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва тери касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

"КОСОНСОЙ" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: қон-томир, ҳаракат, ҳазм аъзолари ва асаб тизими касалликлари.

"НИҲОЛ" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: ҳаракат, ҳазм аъзолари, асаб тизими, ўт пуфаги ва буйрак тош касалликлари.

Самарқанд вилоятида:

"АБУ АЛИ ИБН СИНО" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: қон айланиши, ҳаракат аъзолари, катталар ва болалар асаб тизими касалликлари.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Фаргона вилоятида:

"ЧИМЁН" МЧЖ САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: қон айланиши, ҳаракат аъзолари, асаб тизими, гинекологик ва андрологик касалликлар.
Махсус йўлланма бўйича ота ёки она 4 ёшдан 14 ёшгача бўлган бир фарзанди билан даволаниши мумкин.

Хоразм вилоятида:

"ХОНҚА" САНАТОРИЙСИ
Даволаниш учун кўрсатма: юрак-қон-томир, асаб тизими, ҳаракат аъзолари, гинекологик ва тери касалликлари.

ДАВОЛАНИШ МУДДАТИ – 14 КУН.

Йўлланмаларимиз Марказий Осиёда энг арзон ҳисобланади!

Касаба уюшма ташкилотларига йўлланмалар қўшимча тўловларсиз ўз нархида сотилади. Курортлар бошқармаси Ўзбекистон ҳудудида жойлашган барча санаторий ва дам олиш масканларига, шунингдек, МДҲдаги курортларга йўлланмалар олишингизга ёрдам беради. Йўлланмаларни нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан олишингиз мумкин.

Манзилмчз: Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
Мурожаат учун телефонлар:
153-85-68, 153-70-97.



Уйғониш фасли ҳамда Наврўз умумхалқ байрами хамиша катта тайёргарликлар билан кутиб олишга ҳаракат қиламиз. Айниқса, айём арафаларида вилоят ҳудудидан ўтган 3 та асосий халқроҳаҳамиятга молик магистрал йўлларнинг қиёфасини ўзгартириш, кўкаламзорлаштиришга катта аҳамият берилади. Бу хайрли ишларда вилоят ҳокимлиги ҳузурида ташкил этилган ишчи-гурӯҳнинг ҳам кўмаги катта бўлаётир.



ЙЎЛ ЧЕТИДА БЎЙ ЧЎЗГАН НИҲОЛ

Ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш учун 1 миллиард 419 миллион сўм маблағ ажратилди. Мавсум бошидан шу кунгача 35 минг туп манзарали дарахт кўчатлари экилди. Одатда кўкаламзорлаштириш ишларини май ойининг охирига қадар давом эттирамиз. Ой сўнгигача 11 минг 400 туп кўп йиллик ҳамда 120 минг туп бир йиллик гул кўчатларини экиш яқўлланади. Байрамолди асосий ишларимиздан бири «Тошкент – Душанбе» магистралининг 54-56 километридаги йўл ўтказгич қурилишидир. Қурилиш ўтган йили бошланган. Бунинг учун 5 миллиард сўм

маблағ ажратилган. Бош лудратчи сифатида 67-қурилиш трести фаолият кўрсатяпти. Ўтказгич темир йўл устидан ўтган бўлиб, фойдаланувчиларга кўплаб қўлайликлар яратяпти. Эндиликда ҳайдовчилар темир йўлнинг очирилишини кутиб, вақт кетказишмайди. Қолаверса, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳам тўла таъминланади. Бундан ташқари, «Олмата-Бишкёк-Термиз» магистралининг 806-815, «Тошкент-Ўш» йўлининг 85-117 километрларидаги қопламаларни таъмирлаш жадал суръатларда олиб борилаётир. Шунингдек, марказий йўл ҳамда пйедалар йўлкасини

ажратиб туриш учун мўлжалланган тўсиқлар ўрнатилиб, оқланмоқда. Турли зарурий йўл белгилари жойлаштирилди. Йўлларнинг аҳоли яшаш пунктларидан ўтувчи қисмлари махсус чиқоқлар билан таъминланиб, ёритилипти. Қор кўчиш хавфининг олдини олиш учун бордюрлар ўрнатилди. Биз йўл хизматидагилар учун Наврўз мана шундай катта ҳаракатлар билан бошланади. Мақсадимиз йўлларимизда йил 12 ой янгилашни, яшариш нафаси уфуриб турсин, улар раван ва беҳатар бўлсин.

Тўлқин СОТТИЕВ,
«Тошкентавтойўл» раиси
ўринбосари.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентда оммавий ахборот воситалари соҳасида Унни тўйинтириш бўйича миллий дастурни амалга ошириш доирасида иккинчи миллий мукофотни топириш маросими бўлиб ўтди. Танлов Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Журналистлари икхдий уюшмаси ва БМТ Болалар жамғармасининг (ЮНИСЕФ) мамлакатимиздаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилди. Жорий йилда ушбу тадбир қатнашчилари сони икки баравар кўпайди. Танловга жами теле ва радиэфирда узатилган, газета ва журналлар, электрон нашрларда чоп этилган 280 дан ортиқ материал тақдим этилган. «Телевизион илмий-публицистика дастури» номинациясида «Ёшлар» телерадиоканали

журналисти Элмира Раҳматуллаева голиб чиқди. «Спорт» телерадиоканали муҳбири Гузълхон Комилова «Энг яхши янгилик теледастури» муаллифи деб топилди. Радио журналистлар орасида эса «Ёшлар» канали эфирда узатилган туркум эшиттиришлар муаллифи Вилоят Шодибекова ва Фаргона телерадиокомпанияси шарҳловчиси Салима Рустомова голиб чиқди. «Қашқадарё» газетаси муҳбири Темирпўлат Тиллаевнинг республика ва вилоят босма оммавий ахборот воситаларида чоп этилган мақолалари ва «Қибрай садоси» газетаси журналисти Гулнора Аҳмедова қаламига мансуб мақолалар ҳудудий нашрларда чоп этилган энг яхши материаллар деб топилди.

Ў.А.

ЭЗГУЛИКНИНГ ЧЕКИ ЙЎҚ

Мен янги кун, янги меҳнат, янги амаллар фасли – баҳорни, Наврўзни эзгуликка муқояса қиламан. У кўнгилларга илиқлик, ҳузур бағишлайди. Олам гўзаллигидан андоза олган инсон ҳам бутун ҳусн-таровати, эзгу фазилатларини намобён этади.

55 йиллик фаолиятимда шунга амин бўлдимки, инсон яхшилик, эзгулик тимсоли. Хар ҳолда у ўзига бўлган илик муносабат, меҳр-оқибат чашмасидан янаган бог, гўзал бўстон яратяпти. Урмининг деярли 40 йили кишлоқ ҳўжалиги соҳасида кечди. Мустиқлик йилларида вазият тубдан ўзгарди, янги муносабатлар эркин ҳўжалик юритишда кенг имкониятлар яратди. Хар кимни меҳнатига яраша рағбатлантириб туриш, раҳбар сифатида мудом раҳмўрлик кўрсатиш ўз самарасини бермай қолмади. 16 йил давомида гуллаб-яшнаган «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги аъзолари доимо ҳалол меҳнатнинг муносиб роҳатини ҳам хис этиб яшаганликлари учун улкан зафар, ютуқлар хамроҳимизга айланган эди. Замон талаблари доимо ўсиш, юксалиш маъносига ўзгариб туради.

Ҳозир «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги ўрнида ташкил этилган «Эргаш-Саиджаҳон», «Шўхрат-Шўхруҳ» фермер ҳўжалиқларининг 70-80 нафар аъзолари бўлиб, 308 гектар ерда пахта, галла, сабзавот маҳсулотлари, гўшт-сут етиштирмоқдалар. Бу йилги пахтадан 50 центнер, галладан 70 центнер, сабзавот экинларидан 400 центнердан ҳосил олиш ниятидамиз. Лекин мақсадга эришиш учун тинмай ишлаш, изланиш зарур. Муваффақият — инсон меҳнатининг нечоғлиқ кадрларинишга боглиқ. Бизда бу аллақачон одат тусига кирган. Ойлик маошини ўз вақтида тўлаш баробарида, ишловчилар маданий ҳордиқ чиқаришлари, саломатликларини тиклашлари учун барча шароитларни яратиб қўйганмиз. Буларнинг ҳаммаси ҳўжалик ҳисобидан, бепул.

Мана, бу йил — Ижтимоий ҳимоя йили. Унинг ҳосияти шукки, инсон

омили улғулиниб, манфаатлари ҳимоя қилинади. Ҳўжаликда кам таъминланган оилаларга ёрдам тариқасида қорамол ажратилди. Муҳтожларга доимо ёрдам пули тўланаётир. Аҳоли саломатлиги энг долзарб масала. Шу маънода туман марказий шифохонасини таъмирлаш учун 47 миллион сўм ажратилганини, 120 ўринли янги замонавий мактаб қуриб берилганини таъкидламоқчиман. Ундан ташқари ҳудудимиздаги 4 та мактаб, кишлоқ врачлик пункти ҳамда чойхонанинг таъмирланиши зиммамиздаги катта масъулият эканлигини айтмоқчиман. Шу кунларда Собир Раҳимов, Навоий, Турковул кишлоқларида Наврўз байрами катта шодйёна билан нишонланмоқда. Унга ҳўжалигимиз томонидан 400 килограмм гуруч, 2 та қорамол ажратилди. Шунингдек, туманимиздаги ободончилик ишларида ҳам фаол қатнашиб, 3 та қабристонга арк ва кошона ўрнатди. Қисқаси, эзгуликнинг чеки йўқ. Уни ўзига касб қилиб олганлар эса доимо руҳи тетик, кўнгли равшан, эл-юрт олдида юзи ёруғ бўлади.

Эргаш НИЁЗОВ,
«Оққўрғон туманидаги «Эргаш-Саиджаҳон» фермер ҳўжалиги раиси.

БОҚИЙ МЕРОС

Пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шарҳасида Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллигига бағишлаб Улғубек ва унинг илм-фан тараққийтидаги ўрни мавзўида анжуман бўлиб ўтди. У Республика маънавият тарғибот маркази ҳамда Мирзо Улғубек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамкорлигида ташкил этилди. Мирзо Улғубекнинг бой маънавий ва илмий мероси бугунги кунда ҳам жаҳоннинг етакчи олий таълим даргоҳлари, илмий марказларида ўрганилади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети бобокалонимиз номи билан атайиши Ватанимизнинг бугунги юксак илмий-маърифий салохиятидан далолатдир. Тадбир якунида университет талабаларининг бадиий дастури намойиш этилди.

Ў.А.



НАФАСИ ЭНТИКТИРАР ДИЛЛАРНИ БУГУН

дан ҳозир ҳам фойдаланишяди, момо, — дейман унга. — Э-э, унда нимага келинлар набираларимга игна суққани-суққан? Дори боланинг рангини кеткизади, болам. Мол боқиб юриб ҳам талай доривор гиёҳларни кишга йиғиб кўярдиқ. Равоч танадан ташналикни қувади, кўз нуригини ошириб, юрагинга куч бериб, сарик касални даф қилади... Момом энди ялпизни таърифлай кетади: — Ялпиз-чи, овқатингни ҳазм қилиб, меъданга куч

йигит-қизлар дийдорлашяди. Орасидан гап қочган одамларни ёки эр-хотинларни Наврўз кунини эл оғалари яраштириб қўйишяди. Наврўзни таққиллаб қўйишганида, кўнглимиз роса озор чеккан, билсанг... Наврўзни йўқ қилиб бўладими, ахир. Унинг умри узун, тонги мунаввар бўлсин, илойим. Наврўзнинг нафаси келаяпти... Хар ниҳол, хар куртада жонланиш, гул очиш тадориги бор. Серкўёш ўлкамизда аллақачон бодом гуллаган, ўрик шохлари оқпушти исирғалар тақиб ул-

гурган. Одамлар баҳор либосларига ўтиб, гайрат билан меҳнат кучоғига кирдилар. Она-табатиимиз таровати ортан, далаalarda уйқудан уйғонган момо-ер бағрига ишлов бераётган деҳқонлар астойдил энг шимарган. Ойлар момо таомлар шохи сумалакни қишдан эсон-омон чиққанлар хондонлардан бир қосадан бугдой йиғиб олиб тайёрлашган, дейди. Бир қосадан таом еганлар бир-бирига қариндошдек яқин бўлиб қолишар экан. Эгизак фарзандлар улғаяётган

оилада болалар соғлиғига атаб, хар йил кўкламда сумалак қилиб, кўни-кўшнларга улашиш одат тусига кириб қолган. Йилда бир марта сумалакка тўйган одам сира касал бўлмас экан. Наврўзнинг нафаси шунчалар ширинки, одамлар гарчи «илик узилди» вақтига етиб келишган бўлсалар-да, юраклари меҳнат иштиёқида ёниб, қишнинг оғир жомаларидан энгиллашган бўладилар. Қўшиқлар оламни тутсин, ғам-ғуссалар ўрнини яхшилик, ўқтамлик, улғуворлик эгалласин. Наврўзнинг нафаси хар битта юракка кириб бориб, юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, муродимиз ҳосил бўлсин!

Нигора ШОФАЙЗИЕВА.

«ТОШВИЛОЯТСУВОҚАВА»

очиқ акциядорлик бирлашмаси раҳбарияти


баҳор ва табиатнинг янгилашниш байрами –

Наврўзи

Олам

билан барчангизни муборакбод этади!

Боғларнинг гуллаб-яшнаши билан қалбларда уйғонган шодлик ва яхши кайфият бутун йил давомида Сизга ҳамроҳ бўлиб, қуёшнинг сахий нуриари хар бир хонадонга соғлиқ-саломатлик ҳамда бахт олиб кирсин.



Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт



ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА ЮЗ ОЧГАН ЧЕЧАК

— Шу йилнинг январь ойида шахмат бўйича 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасида ҳамда февраль ойида Ўзбекистон чемпионати биринчи табақа бахслари бўлиб ўтди. Мухбиримиз мусобақаларда вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган вакилимиз Гулрухсор Эсонбоева билан суҳбатлашди.

Суҳбатдош ҳақида сўз:
Гулрухсор Эсонбоева 1991 йилда туғилган, Чирчиқ шаҳридаги 2-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси. Айни дамда «Шоҳ клуб» шахмат федерациясида ўз маҳоратини оширмакда.

У 14 ёшгача бўлган шахматчилар ўртасида Ўзбекистон чемпиони (2004), «Маралсай» халқаро турнири (Олмаота, 2005) ғолибаси, Жаҳон биринчилиги (Франция, 2005) иштирокчиси, Жаҳон олимпиадаси (Италия, 2006) 6 ўрин соҳибаси. Оилада тўнч фарзанд. Мураббийи — Риксиддин Эсонбоев.

Шахмат оламига қандай кириб келгансиз?
— Эсимни таний бошлаган кезларимдаёқ ота-онам ўртасидаги мурасим «шатранж» бахсларига кўп гувоҳ бўлардим. Шу сабабли бу спорт турига қизиқишим ортиб бораверди. Харақатларимни кузатиб юрган дамда 7 ёшимда менга ўзларим шахматини сир-асрорларини астойдил ўргатишга бел боғладилар.

Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз? Бошқа спорт турлари ҳам ёқадими?

— Бўш вақтимда китоб ўқишни ҳур қўраман. Айниқса, Тоҳир Малиқнинг «Шайтанот» асарини севиб ўқийман. Жаҳон адабиёти дурдоналарини мутулаа қилишга ҳам одатланаяман. Яқиндагина Балъэкиннинг «Сағри тери тилсим» асарини тугатдим. Ававаллари каратэ билан шуғулланиб кўрганман. Аммо, шифокорлар каратэнинг соғлигимга зиён етказиши мумкинлигини таъкидлашган, машғуллотларга борма кўйдим.

Эшитишимизча, соғлигингиз бир оз ёмонлашибиди?

— Болалигимдан юрагим безовта қилиб туради. Бир ой аввал Чирчиқ шаҳридаги шифокорлар юрагимда ўзгариш бўлаётганини, илоҳи бўлса Тошкентдаги тажрибали шифокорларга мурожаат қилишимни маслаҳат берди. ТошПМИ да кўриқдан ўтган, аҳолим аяши эканлиги маълум бўлди. Мусобақаларда юра-

гим бир оз зўриқибди.

Шахматнинг бошқа спорт турларидан афзалликлари нималарда деб биласиз?

— Сирасини айтганда «шатранж» — катта илм. Ҳаётда бирор ишни бошладан олдин унинг кўпгина ечимларини излаб топшга ҳаракат қиласиз. Шахматда ҳам комбинация ва тактик зарбани қўлаб қилган харақатингиз галаба етакловчи омил бўлади. Шу сабабдан шахматда ақл гимнастикаси дея бежиз ном берилмаган.

Оиладаги муҳит, устозлар ва ўзингиздаги руҳий кечинмалар ҳусусида тўхталсангиз.

— Оилада тўнғич фарзандман. Шу сабабли ота-онамнинг мендан умидлари катта. Одатда киз боланинг сирдоши синглиси ёки опаси бўлади. Аммо, менинг сирдошим — онам. Чунки, синглим анча шўх ва қайсар. Ўзимга келсак, оғир-бо-сиқман. Мусобақаларда энди-энди қатнаша бошлаганимда шу одатим туфайли устозимдан кўп танбех-

лар олардим. Шахматда эса кўнгилчанлик кетмайди. Рақибингизни аямаганинг лозим. Вақт ўтиши билан назаримда қатъият бўла бошлаяман. Устозим ўзимнинг дадам бўлганлиги учун мусобақалар олдида уйда жиддий тайёргарлик кўраман. Спортда ҳам, ҳаётда ҳам доимо уларнинг ёрдамига таянаман. Мабодо нотўғри иш қилиб қўйсам, дадамнинг жаҳллари чиқади. Бундай вазиятда дарҳол онамнинг пинжиги кираман.

Орзуларингизни биз билан ўртоқлашсангиз?

— Кичкинагимда кинотга, юдзуларга қизиқардим. Уша кезлари орзум комсомат бўлиш эди. Шахмат билан шуғулланиб, мусобақаларда галаба қозона бошлаган, фикрим ўзгара борди. Шахмат оламида грузиялик жаҳон чемпиони Майя Чегурданидзедек ном қозонсам дейман. 2005 йили Францияда бўлиб ўтган Жаҳон биринчилиги орзуларимни тубдан ўзгариб юборди. Франциядаги

Ўзбекистон элчихонаси ходимлари билан мулоқатда бўлди. Уларнинг соҳасига қизиқиб сўраганимда, дипломат эканини, бунинг учун жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университетиде ўқиш кераклигини айтишди. Шундан сўнг дипломат бўлишга аҳд қилдим.

Ўзбек шахматининг бугуни ва келажаги ҳусусида қандай фикрда-сиз?

— Мустикалликка эришганимиздан бери ўтган 15 йилда спортни, хусусан шахматни ривожлантиришга катта эътибор қаратилди, кўплаб халқаро турнирлар, республика мусобақалари ўтказилиб, улкан спорт иншоотлари, шу жумладан, болалар спорт мажмуалари барпо этилди. Амалга оширилаётган улкан сайё-харақатларнинг натижаси ўлароқ бугун Ўзбекистон шахматининг мавқеи нафақат Осиёда, балки бутун жаҳонда ҳам юксалиб бормоқда.

«Тошкент ҳақиқати» мухбири Отабек ЭЛТОВЕВ суҳбатлашди.



«БЕКОВОДЦЕМЕНТ» ОАЖ

жамоаси барча ватандошларимизни ёшлик ва яшариш, нафосат, гўзаллик фасли — Баҳор ҳамда Янги кун —

Наврўз айёми

билан самимий қўлайди.
Барча эзгу ниятлар, бободоҳқон меҳнатининг бошланиши мамлакатда бу йил ҳам фаровонлик, тўкин-сочинликка эришиш учун ишончли заминдир. Мақсадлар сари дадил қадам ташланадиган баҳор фасли Ватанимизга қўт-барақа, файз-тароват олиб келсин. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, хонадонларимиз осойишта бўлсин! Ҳомийлик ва саховатпешалик доимий ҳамроҳимизга айлансин.

Наврўзи оламнинг ҳаётбахш нур-зиёси бутун борлиққа таралаётган шу файзиб кунларда бир вақтлар фақат ҳаёл ва орзу қилиш мумкин бўлган ютуқ ва зафарларимизни эслаш ҳам завқли, ҳам гурурбахшдир. Бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар моҳияти шубҳасиз, эл-юрт фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Ватанимиз доврўғини дунёга таратётган спорт соҳасига, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга берилаётган эътибор ҳам бе-самар кетмаяпти.

ҲАЛИ УМИДЛАРИМ КЎП

Йилдан йилга ўз сафини иқтидорли ёшлар билан кенгайтириб бораётган кикбоксинг ҳам юртимизда оммавий ва катта-кичик севиб шуғулланадиган спорт турларидан бирига айланиб улгурди. Жаҳон андозаларига мос спорт мажмуалари кўпайиб, уларда мунтазам шуғулланиш учун барча имкониятлар яратилди.

Кикбоксингчиларимизнинг жаҳон майдонларида қайд этётган юқори натижалари ҳам таҳсинга лойиқ. Уларнинг ғайрат-шижоатлари туфайли Ватанимиз байроғи юқори кўтарилиб, нуфузли давраларда маҳиями янграмоқда. Ўтган 2006 йил

мен учун, айниқса, омадли бўлди. Тошкентда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида шохсупанинг энг юқори погонасидан жой эгалладим.

Мамлакатимиз доврўғини бундан юксакларга кўтариш биз спортчиларнинг сайё-харақатимизга боғлиқ. Президентимиз томонидан бизга қўрсатилган ғамхўрлик ва эътиборни чуқур ҳис этиб, Ўзбекистоннинг халқаро майдонлардаги обрўси янада юксалишига оз бўлса-да ҳисса қўшиш мен каби кўплаб ёшларга алоҳида мамнуният бахш этди.

Элдор ТОШПҲАТОВ, жаҳон чемпиони.

ЧЕМПИОНГА ХОС ҲАМ ҲАМ

Футбол бўйича олий табақа жамоалари навбатдаги 2-тур учрашувларини ўтказдилар. Бекободнинг «Металлург» жамоаси Сарисийёда «Тўпаланг» билан учрашди. Майдон эгалари 2:0 ҳисобида зафар кучдилар.

«Металлург»чилар икки учрашувда ўз дарвозаларидан 6 тўп ўтказиб юбориб, рақиб дарвозасига биронта ҳам тўп киритолмай, жадвалнинг сўнги погонасини банд этдилар. «Пахтакор» — «Трактор» 4:1, «Бухоро» — «Машъал» 4:1, «Навбахор» — «Кизилкум» 1:2, «Шўртан» — «Самарқанд Д» 4:2. «Пахтакор», «Курувчи», «Нефтчи», «Машъал», «Кизилкум» жамоалари икки турдан сўнг 6 очко тўплаб, олдинда боришмоқда.

Навбатдаги 3-тур учрашувлари 31 мартда бошланади. «Металлург» ўз майдониде «Курувчи»ни қабул қилади.

Талъат ЮСПОВ.

МЕЗБОНЛАР УЧИНЧИ

Олмалиқда мотокросс бўйича Ўзбекистон чемпионатининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 125 нафар спортчи иштирок этди.

Республика техник ва амалий спорт турлари марказидан маълум қилишларича, мусобақанинг шахсий биринчилик бахсларида Иззат Қобилов, Григорий Торбенков, Дмитрий Лимар, Павел Блинов, Евгений Заднов, Виктор Лавров ўз йўналиши бўйича ғолиб чиққан.

Умумжамоа бўйича навоийлик мотокроссчилар биринчи ўринга сазовор бўлди. Иккинчи ўрин пойтахтликларга, учинчи ўрин эса майдон эгаларига насиб этди.

Ў.А.

«WBO» РЕЙТИНГИДА

Профессионал бокснинг энг нуфузли йўналишлари сирасига кирувчи Жаҳон бокс уюшмаси (WBA) ҳамда Жаҳон бокс ташкилоти (WBO) энг кучли профессионал боксчиларнинг февраль ойидаги янги рейтинг жадвалларини эълон қилди. Дунёдаги энг кучли профессионал боксчилардан ҳисобланган ўзбекистонлик Руслан Чагаев февраль ойидаги WBO рейтингда ҳам кучли учликдан жой олган ва вақти келиб бу йўналиш бўйича ҳам чемпионлик жангини ўтказиши мумкин. Вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида ҳамюртимиз Қаҳрамон Орзиқулов WBO рейтингининг бешинчи погонасида қайд этилди.

Яна икки ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси — Фарход Бақиров ва Қувончек Тойғонбоевнинг номи ҳам энг кучли боксчилар рўйхатида киритилди.

Ў.А.

ХУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР! РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

2007 йил 24 апрель куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ҳазратов кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси боқимча-боқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

| № | Суд икдорчилари томонидан хатланган | Автотранспорт ва кўчмас мулк объект номи | Қисқача тавсифи | Автотранспорт сакланаётган, кўчмас мулк жойлашган манзил | Бошланғич баҳоси, сўм | Ижро ҳужжатининг рақами ва санаси |
|----|-------------------------------------|---|---|--|-----------------------|---|
| 1. | Чиноз тумани | УАЗ-469 русумли, давлат рақами Х 533 КУМ | 1984 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Таъмирга муҳтож | Чиноз шаҳри, Самарқанд кўчаси УЧСИБ МЧЖ омбори | 200 000 | Янгийўл шаҳар Жиноят ишлари бўйича судининг 28.02.07 йилдаги 185-ижро варақаси |
| 2. | Янгийўл тумани | Филдиракли МТЗ-80Х трактори, давлат рақамисиз | 1985 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Техник носоз | Янгийўл тумани, У. Мусаев к.ф.й. | 809 068 | Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 06.11.06 йилдаги 11-0623/9955-сонли ижро варақаси |
| 3. | Паркент тумани | КАМАЗ-5511, давлат рақами 11 АК 912 | 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | Паркент тумани, Қумушқон кўчаси, 1-уй. | 289 500 | Тошкент вилоят ҳўжалик судининг 31.07.06 йилдаги 11-0607/6016-сонли ижро варақаси |
| 4. | Паркент тумани | УАЗ-469 Б, давлат рақами 11 N 9351 | 1979 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз | Паркент тумани, Қумушқон кўчаси, 1-уй. | 237 289,2 | ЖИБ Бўстонлик тумани судининг 29.08.06 йилдаги 1-283-сонли ижро варақаси |

Ушбу автотранспорт воситалари сотилмаган тақдирда 2007 йил 26 апрель, 1, 3, 8, 10, 15, 17, 22, 24, 29, 31 май ва 5, 7, 12, 14, 19, 21 июнь кунлари ўтказиладиган такрорий аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк»нинг Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 хисоб рақамига тўлашлари шарт. **Телефонлар:** 399-79-52, 133-28-52. **Интернетдаги сайтимиз:** www.rkmb.uz **Лицензия:** DV 001 № 000004.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси Ангрен шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин:

1. Ангрен шаҳар (Қрасногорск шаҳарчаси) 3-давлат нотариал идорасида — 1 та ўрин;
- Талабгорлар танлов рўзномада эълон қилинган кундан бошлаб, 2007 йил 12 апрелга қадар Тошкент вилояти адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:
 - а) малака комиссияси номига ариза;
 - б) паспорт нусхаси;
 - в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
 - г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
 - д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
 - е) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, 2007 йил 12 апрелга қадар Тошкент вилояти адлия бошқармасига мурожаат этишлари мумкин. **Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй. **Телефонлар:** 362-84-30, 363-51-04.

Тошкент вилояти Адлия бошқармаси Бекобод туманида ўрни бўш бўлган давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади.

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин. Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар адлия бошқармасига шахсан қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- 1) малака комиссияси номига ариза;
- 2) паспорт нусхаси;
- 3) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
- 4) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- 5) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- 6) охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, У. Носир кўчаси, 93-уй. **Телефонлар:** 363-51-03, 362-84-30

Наврўз Урта Осиё халқларининг қадимий янги йил байрамидир. Корли-қировли киш ўтиб, баҳор айёми келиши, кундуз билан кечанинг тенглашуви, табиат жонланishi, хуллас, йилнинг янгилиги Наврўз — янги кун, деб аталган. Наврўз тўғрисида кўхна тарих саҳифаларида турфа маълумотлар бор. Умар Ҳайём ўзининг «Наврўзнама» асариди бу байрамнинг келиб чиқиши ва ҳосиятлари ҳақида тўхталди. Абу Райҳон Беруний эса, «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» номи шох асариди шарҳ халқлари ҳаётида Наврўзнинг тутган ўрни, байрам қилиниши хусусиди қизиқ ва қимматли маълумотлар келтирди. Навоий бобо Наврўзи олам севинчларини бир ҳикматли байтди ифода этганлар:

Хар тунинг Қадр ўлибон,
Хар кунинг Наврўз ўлсин.
Наврўз байрами исломдан аввал ҳам мавжуд эди. У замон ҳукмдорлари томонидан гоҳ таққиланиб, гоҳ рағбатлантирилиб, то бугунги ёруғ кунларгача қўл савдоларни бошидан кечирди. Бугун у халқимизнинг суюкли байрамларидан бирига айланган. Наврўз эндиликда Баҳор, Кўёш, Гул, Бахт, Тарона, Шодлик ва Омон-эсонлик, Тўқинчилик байрами. Уни халқимиз ҳар йили интизорлик ила кўтиб олади ва яна умид билан кузатади.

Мен Беруний келтирган далилларга асосланиб, Хоразмда Наврўз сайлини ўзимча тасаввур этиб кўрдим. Хивада Наврўз, Хивада байрам... Кимки уни кўрмабди, бу дунёнинг жаннатидан бебаҳра қолибди. Қадим-қадимдан, эҳтимол, Хоразмшоҳлар даври ё ундан ҳам илгари замонлардан олган бир удум бор. Хар йили ҳамалнинг ўнинчи кунини шаҳардаги нуфузли баққоллардан бири етти кўкат, етти хил тармева солинган барқаш кўтариб саройга боради. Хондан Наврўзи оламини байрам қилишга ижозат сўрайди. Рухсати олий

бўлгач, қалъа ҳокимининг амри билан жар чақиртирилади. Ичанқалъаю Дешан қалъага отлик жарчилар аяди, халойиққа хоннинг адлу муруватини етказди. Айниқса, бу байрамда болаларга маза бўлади. Улар жарчиларга эргашиб, кўчама-кўча чопадилар. Чувиллаб, растама-раста, бозору масжидлар-

очадилар. Бир томонда дорбозлар дор тикади, кўғирчоқбозлар чодирхаёл пардасини тортадилар, со-зандалар гулхан гуриллатиб, чилдирмаларини, норагаларини қиздирадилар. Бу ишларнинг барчасига жаноби муҳтасиб — назоратчининг ўзи бош-қош. У мулозимларини эргаштириб гоҳ бақовулларга

марта, Наврўз кунигина юзларини очиб, номаҳрамдан қочмай юришлари мумкин. Бугун Хива кўчалари гўзаллар сайлига, дилраболар кўрғазмасига айлангандек. Ҳаммаёқда тўп-тўп гулчечралар, барнолар, санамлар, малохату ойхуморлар, гулпошшою гулоимлар! Куралай кўз, бодомковок, сарвакомат, шахлокўз, кўлчаюз, қирққоқил қизлар, қизлар, қизлар... Пушти, яшил, сафсар, нукра, норапармон, аксари қизил-қирмизи либослар кўёшда яля ёнади, сабодек ёнгил халилий рўмоллар, чор гулли фаранги дурралар баҳор эпкиниди ҳилпираб йигитлар сийнасига ўт ташлайди, текис йўлда қоқилтириб кўяди.

Уша кунини ён қишлоқлардан Хивага минглаб одам йигилади. Хусусан, деҳқонлар мириқиб сайр этади. Улар гўё бир йил чеккан заҳматларини унутмоқчидек, энди бошланажак машаққатлари олтидан ўйнаб, хумордан чиқмоқчидек, тонготардан рўзи шабгача бозор майдонидан жилмайдилар.

Хивада — Наврўз!
ҚАРНОҚЛИ.

ГЎЗАЛЛИК САЙЛИ



ни, мадрасаю қадамжоларни айланадилар, бақириб-чақириб, Наврўзи олам бошланганини хабар қиладилар. Аҳли мусулмондан суюнчи оладилар. Бозор ўртасидаги очик майдонда карнай-сурнайнинг ўйноқи садоси янгради. Така-тумлаб ногора жўр бўлди. Одамларнинг кўнглига гулгула тушди. Гўё Наврўз томошаларига кеч қоладигандек илдамлаб, бозор сари шошдилар. Симобий салла ўраб, гарч кавуш кийган оппоқ соқолли отахонлар сипо қадам ташлайди, кемшиқ тишларини кўрсатиб илжади. Бошларига қасава кўндириб, шолрўмол ўраган кайвони онахонларнинг елкасида кумуш чўли жириглайди, атроф-тевараки тахи энди бузилган амиркони махсикавушларнинг талх хиди тушиб кетган. Хон фармоишига кўра, аёллар йилига бир

кўрсатма беради, гоҳ дорпечни текшириб кўради, гоҳдай лапанглаб, у растадан бу растага такаббурона қадам ташлайди. Бозор ўртасидаги очик майдонда карнай-сурнайнинг ўйноқи садоси янгради. Така-тумлаб ногора жўр бўлди. Одамларнинг кўнглига гулгула тушди. Гўё Наврўз томошаларига кеч қоладигандек илдамлаб, бозор сари шошдилар. Симобий салла ўраб, гарч кавуш кийган оппоқ соқолли отахонлар сипо қадам ташлайди, кемшиқ тишларини кўрсатиб илжади. Бошларига қасава кўндириб, шолрўмол ўраган кайвони онахонларнинг елкасида кумуш чўли жириглайди, атроф-тевараки тахи энди бузилган амиркони махсикавушларнинг талх хиди тушиб кетган. Хон фармоишига кўра, аёллар йилига бир



Мен ҳам бир ялай, сингилжон. Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.

«7» РАҚАМИ МЎҶИЗАЛАРИ

«7» рақами билан боғлиқ аъёнлар, удумлар ва одалар Шарҳ халқларининг қадим аждодларидан мерос бўлиб келмоқда. Уларнинг ёзма манбалардаги илдизлари «Авестога» бориб такалади. Унда ривоят қилинишича...
● Аҳра Мазда оламини 7 кунда яратган.
● 7 мўҶиза — ер, сув, ҳаво, олов, ўсимлик, сигир ва инсон яратилди, шунга мутаносиб равишда 7 байрамни ҳам одат қилиб қолдирилган.
● Бир ҳафта 7 кун белги-ланган.
● Қиш фасли 7 бўғинга бўлинган: катта чилла, кичик чилла, қаҳратон, сарқисума-лак, хут-ют, аҳмон-дахмон, аямажуз.
● Қадим халқлардан қолган макол: «Етти ўлчаб, бир кес».
● Наврўзда 7 хил донни ундириб, авжини кузатишган. Шунга қараб уруғлик донни саралаб экишган.
● Камалак 7 рангда жилло-ланади.
● Хар бир киши 7 бўғин аждодини билиши керак.
● Инсон зоти 7 бўғинда бир-бирдан узоклашади: фарзанд, неварра, чевара, эвара, авара, овора, бегона.

Жажжи ҳикоя ҲАМ ХОКИСОР, ҲАМ САХИЙ ОЛУЧАМ

Олуچалар гуллапти қийғос, Кўкка ўрлар нимпушти олов. Каттол қишинг енгилган рост, Ана, томда лоладан ялов.

Ҳа, олуҷаларнинг гуллаши ҳақиқий баҳорнинг келганлигидан дарак беради. Ҳовлиларда, кўча-кўйда, ариқ бўйлариди олуҷалар чаман бўлиб гуллашади, сўнг беармон мева тугишади. Бу — хар қандай қийинчиликларга чидамли, совуғу иссиқларга дош бера оладиган чайир, камсукум мева даракларига қойил қолмасдан илож йўқ. Уларнинг мевалари қизарар-қизармас шохларига бола-чака ёпишади, тортқилашади, эгишади, синдиришади. Аммо олуҷа ҳаммасига чидайди. Қўйиб беришса, ундаги олуҷалар шунангки шарбат олиб, ширин бўлиб пишадики, асти қўяверинг. Олуҷалар, ай-

Шеърят МЕН КУЙЛАЙМАН ЭЛИМНИ

Эсар баҳор еллари,
Фасли Наврўз элимда.
Хушбўй кўкман гуллари,
Илҳом гашти дилимда.

Замин чирой касб этган,
Кўркам адир, дашт, қирлар.
Гунча униб, нақш олган,
Яшнаб боқар бог-ерлар.

Мени чорлар чаманзор,
Ранг-рангидир гуллари.
Дилим гашти гулдёр,
Гавжум майдон, йўллари.

Кайга бормай гул замин,
Яшнаб боқар бог йўлим.
Бунёдкор эл қадамини,
Йўлин ардоқлар дилим.

Яшнаб боғлар, дашт, дала,
Боғу роғлар кезарман.
Томдан боқар гулламо,
Қалб тугёнин сезарман.

Йўлим эрур навбахор,
Мафун унган хар гулим.
Гўзал, кўркам гулдёр,
Сайру сайёҳ ўнг-сўлим.

Дилкаш жойим дашт, дала,
Боғларини кезарман.
Томда чаман гулламо,
Алвон мейрнн сезарман.

Мен куйлайман элимни,
Гулдасталар кўлимда.
Мафун айлаб дилимни,
Баҳор яшнаб йўлимда.

НАЗАРМАТ.

ҲАР БУТОҚДА БИР ТАБАССУМ

Оқ кўрпасин тахлади қиш, эрибон қор, муз бугун,
Сайри боққа тақриф эттум, барча сарафрўз бугун.
О, табнат бор хусини айлағай кўз-кўз бугун.
Дилга расмин кўчиргайман бешёру, бесўз бугун,
Дил ўйнағай, тил куйлағай навбахор-Наврўз бугун.

Осмон ўпар эй тоғларим, нуруний сочинг қани?
Кўм-кўк, кўм-кўк кенгликлар ўзига чорлар мени.
Эҳ, лолазор — гулханларинг яйратар кўзу танни.
Севинг ёшин сонар сим-сим булутлар чексиз бугун,
Дил ўйнағай, тил куйлағай навбахор-Наврўз бугун.

Чор-атрофга сочмоқдадир нурларин кўёш бисёр,
Бор севинг ёймоқдадир борлиққа қалин баҳор.
Хар бутуқда бир табассум, хар гўшада бир оҳор.
Димоқ ёрар ис таратиб ўзгача яллис бугун,
Дил ўйнағай, тил куйлағай навбахор-Наврўз бугун.

Осмон зангор, атроф кўм-кўк, сингиб кетгим келади,
Тонглар порлоқ, ҳаёт қувноқ, қўшиқ айтгим келади.
Гуллар турфа ранг талашар, кўзга суртигим келади,
Ақлим лолу шеър-қўшиққа қалам ҳам ожиз бугун,
Дил ўйнағай, тил куйлағай навбахор-Наврўз бугун.

Булбул, қушлар навосидан дилга эриб оқар сўз,
Оқ қозонинг бетларидан гулдэк сулув боқар сўз.
Қўшиқ бўлиб дил тубида бугун тилга чиқар сўз,
Қалбда зарра бир чигил йўқ, йўқдир ташвиш-бўз бугун,
Дил ўйнағай, тил куйлағай навбахор-Наврўз бугун.

Гузалик нашъасидан майрастдек кайфдирман,
Кувончларим, севинчларим, куйламоққа зайфдирман.
Бугун агар шеър айтмасам, шоиолигим хайф дерман,
Собир Олим қўшиқ ёзиб, айлағай кўз-кўз бугун,
Дил ўйнағай, тил куйлағай навбахор-Наврўз бугун.

Собиржон УРМОНОВ.

Хотира ҲАМИША ҚАЛБИМИЗДА ҚОЛАДИ

Шафқатсиз ўлим бутун умрини Ўзбекистон матбуотига бағишлаган журналист ва публицист, серқирра ижодкор Мирсобир Мирҳамидовни орамиздан олиб кетди. Унинг ҳамиша эзгуликка, яхшиликка хизмат қилган қалами, ёзиб тугалланмаган қатор мақолалари иш столида қолди.

Мирсобир Мирҳамидов 1931 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Урта Осиё Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети)да журналистика ихтисослигини эгаллаб, 1954 йилдан Ангрн шаҳридаги «Ўзбекистон Миллий университети» газетаси таҳририятида ишлади. Унинг 1958 йилдан бошлаб деярли эллик йиллик ҳаёти ва ижодий фаолияти «Тошкент ҳақиқати» газетаси билан боғлиқ бўлди.

Утган йиллар мобайнида Мирсобир Мирҳамидов самарали ижод қилди. Ўзининг изланувчанлиги, ташаббускорлиги, инсон сифатида тўғрисиёз ва камтарлиги туфайли ҳаммаслар орасида катта обрў орттирди. Унинг вилоятдаги йирик қурилишлар ҳақида, Ангрн қончилари, Чирчиқ машинасозлари, Янгийўл кимёгарлари, Бекобод металлурлари ҳақида ёзган қатор лавҳа ва очеркларни, публицистик чиқишларини газет-хонлар ҳамиша қизиқиб



Ўқишар эди. Айниқса, мустиқиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотларга бағишланган чиқишлари кўпчилигининг эътиборини қозонди.

Мирсобир Мирҳамидов том маънода ёшларнинг устози эди. У таҳририятда ишлаган йилларда ўнлаб ёш журналистларни катта ижод йўлига олиб чиқди ва мамлакатимиз журналистикаси ривожига муносиб ҳисса қўшди. М. Мирҳамидовнинг Ўзбекистон матбуотидаги узок йиллик самарали ижодий меҳнати муносиб баҳолиниб, у Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими унвони билан тақдирланган эди.

Ҳамкасбимизнинг ёрқин хотираси қалбларимизда бир умр сақланиб қолади.

«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси.

Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!

Почта алоқаси бўлимлари ва почтабўнолар томонидан 2007 йил февраль ойи пенсия ва нафақа пуллари пенсионерларга тўлиқ етказилган. Жорий йилнинг февраль ойи пенсия ва нафақа пуллари етказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса, 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали маъмурияти.

СканВорг

| | | | | | | |
|-----------------------|---------------------------|-----------------------------------|---------------------------|--------------------|-----------------|-----------------|
| Мушук лақаби | Тутун | Мабодо Ари найзаси | «Водил» лик келми | ...манш (бўғоз) | Миллат (кавказ) | Асбоб... |
| | | Нарқотик гнэх | Бод Касалик тури | Кемп-рувич жонивор | | |
| Поиз экин | Эътиқод | | Авто шахар | | Спиртли ичимлик | Рус авто-моби |
| Асо, зинҳор | Ойлик, маош | | | Ҳарбий ўра | | |
| | | Рус-тавова (хонияда) Латиф русучи | Кўзгу | Ҳайрон | Ушаманган орзу | Вертолёт русучи |
| Абулаа Қаҳҳор ҳикояси | Юнон-ларнинг иккипич номи | | | Оға | Палов | Зиёб, мўл |
| | | Тиз (Осиё) Сингил | | Ховли | | |
| Дарё (Ҳиндистон) | | | | Сантиметр (қиска) | Ғача, доғур | Соч толаси |
| Бемли, асорат | Қиммат эмас | Баладнинг акси | | | Ранг тури | Даст-лабки |
| Муқаддас шахар | | | Доктор... (дори воситаси) | | Ранг хизи | Юклама |

Тузувчи Нурулло НУЪМОНОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Бош муҳаррир **Убайдулла АБДУШОҲИДОВ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-53-09. Эълолар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.